



JOURNAL OF GEOGRAPHY AND NATURAL RESOURCES

journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jgnr>**ISSUES OF DEVELOPING THE CONTENT OF MAP OF AGRO-INDUSTRIAL CLUSTERS OF SURKHANDARYA REGION****A. A. Ibraimova**

Associate Professor, Candidate of Geography
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Tashkent, Uzbekistan

M. Sherkulova

Master's student
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: map, agro-industry, agro-industrial complex, cluster, map content, content elements, geographical basis.

Received: 11.03.23**Accepted:** 13.03.23**Published:** 15.03.23

Abstract: The article is devoted to the development of maps of agro-industrial clusters operating in the Surkhandarya region. The agro-industrial complex, its structure and significance, the cluster approach, as well as the territorial and sectoral structure of the agro-industrial clusters of the region are considered. The article developed content elements for several maps of agro-industrial clusters of the Surkhandarya region. Certain methods of cartographic representation and visual means are recommended for displaying each element of the thematic content. At the same time, examples of directions for using maps of agro-industrial clusters of the Surkhandarya region are given.

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АГРОСАНОАТ КЛАСТЕРЛАРИ ХАРИТАЛАРИ
МАЗМУНИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МАСАЛАЛАРИ****A. A. Ибраимова**

Доцент, география фанлари номзоди
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон

M. Шеркулова

Магистрант
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: харита, агросаноат, агросаноат мажмуи, кластер, харита мазмуни, мазмун элементлари, географик асос.

Аннотация: Мақола Сурхондарё вилоятида фаолият юритаётган агросаноат кластерлари хариталари мазмунини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган. Агросаноат мажмуи, унинг таркиби ва аҳамияти, кластер ёндашуви, шунингдек вилоят агросаноат кластерларининг ҳудудий ва тармоқлар таркиби кўриб чиқилган. Мақолада вилоят агросаноат кластерларининг бир нечта номдаги хариталари учун мазмун элементлари ишлаб чиқилган. Мавзули мазмуннинг ҳар бир элементини тасвирлаш учун муайян картографик тасвирлаш усуллари ва тасвирлаш воситалари тавсия этилади. Шу билан бирга, Сурхондарё вилояти агросаноат кластерлари хариталаридан фойдаланиш йўналишларига мисоллар ҳам келтирилган.

**ВОПРОСЫ РАЗРАБОТКИ СОДЕРЖАНИЯ КАРТ АГРОПРОМЫШЛЕННЫХ
КЛАСТЕРОВ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ**

А. А. Ибраимова

доцент, кандидат географических наук

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Ташкент, Узбекистан

М. Шеркулова

студент магистратуры

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: карта, агропромышленность, агропромышленный комплекс, кластер, содержание карты, элементы содержания, географическая основа.

Аннотация: Статья посвящена вопросам разработки карт агропромышленных кластеров, действующих в Сурхандарьинской области. Рассмотрены агропромышленный комплекс, его структура и значение, кластерный подход, а также территориальная и отраслевая структура агропромышленных кластеров области. В статье разработаны элементы содержания для нескольких карт агропромышленных кластеров Сурхандарьинской области. Рекомендуются определенные способы картографического изображения и изобразительные средства для отображения каждого элемента тематического содержания. При этом приведены примеры направлений

КИРИШ

Мамлакат, шу жумладан Сурхондарё вилояти иқтисодиётида тармоқлараро мажмуалар орасида агросаноат мажмуаси (АСМ) етакчилардан бири ҳисобланади. АСМни асосини қишлоқ хўжалиги тақшил этади.

Агросаноат мажмуаси бу иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва истеъмолчига етказиб бериш жараёнида иштирок этувчи барча тармоқлари йиғиндисидир.

АСМ таркиби асосан саноатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларидан иборат. Бундан ташқари, мажмуага қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш бўйича корхоналар, кимё саноатининг минерал ўғитлар ва экинлар зараркунандаларига қарши курашда қўлланиладиган кимёвий моддалар ишлаб чиқарувчи тармоқлари ҳам киритилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда агросаноат мажмуасининг самарали фаолиятини таъминлашда кластер ёндашуви 2017 йилдан кенг жорий этилмоқда.

«Кластер» тушунчаси илк бор 1990 йилда Майкл Портер томонидан «Давлатларнинг рақобатдош афзаллиги» номли асарида келтирилган. 10 та саноат жиҳатдан ривожланган давлатларнинг ривожланиш тарихини таҳлил қилгач, Майкл Портер кластерларнинг пайдо бўлиши иқтисодий ривожланиш ва саноатлаштириш жараёни таркибининг ажралмас қисмидир деган фикрга келган. Шундай қилиб, кластер – ўзаро боғлиқ корхоналарни бирлаштиришнинг бир шакли бўлиб, бу ҳудуд иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Ташкиллаштириш шакли жиҳатидан, **кластер** – вертикал равишда интеграцияланган тузилма дейиш мумкин. **Умуман, кластерлар тизими** бу хом-ашё етиштиришдан бошлаб то қайта ишланган тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган жараёнларни қамраб олган бир бутун тизимдир. Кластерларни иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида жорий этиш мумкин, бироқ ўрганилаётган объект, яъни Сурхондарё вилоятида агросаноат кластерларининг аҳамияти катта.

Асосий қисм. «Агросаноат кластери – бир ёки бир неча юридик ва жисмоний шахслар гуруҳи томонидан замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича қўшилган қиймат занжири яратиш илмий, инновацион усуллар асосида амалга ошириладиган фаолият шакли».

Вилоятда жами қишлоқ хўжалик ерларининг майдони 1000,5 минг га ни ташкил этиб, шундан 269,1 минг га суғориладиган ерлардир. Умумий экин майдони 276 минг га, шундан суғориладигани – 237,1 минг га.

Сурхондарё вилоятида 47 та агросаноат кластери фаолият юритмоқда, бу республика жами агросаноат кластерларининг тахминан 7 фоизи демакдир. Бойсун туманидан ташқари қолган барча туманларда камида 2 тадан агросаноат кластерлари рўйхатга олинган (1-жадвал). Вилоят агросаноат кластерларининг тармоқлар таркиби таҳлилидан кўриш мумкинки, уларнинг асосий қисми (23 та) мева-сабзавотчилик кластерлари ҳисобланади. Шунингдек, вилоятда пахта-тўқимачилик (11 та), ғаллачилик (11 та) ва шоличилик (2 та) кластерлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Уларга 185 910,2 га ер бириктирилган, шундан 49211,86 га кластерга бириктирилган бўлса, кластерга кирадиган 4961 та фермер хўжалиги 136698,3 га майдонга эгалик қилади.

Мамлакатимизда кластерлар тизимининг жадал ривожлантирилиши мавзули картографияда янги мазмундаги хариталарни яратиш, улар мазмунида янги сюжетларни акс эттириш, шунингдек харитага олиш усуллари ва технологияларини такомиллаштириш имконини беради.

*Агросаноат мажмуи (АСМ) хариталари*да қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва уни истеъмолчига етказиш билан боғлиқ тармоқлари йиғиндиси тасвирланади. Қишлоқ хўжалигининг жойлашуви, унинг районлар бўйича ихтисослашуви ҳамда у билан боғлиқ қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи корхоналарнинг жойлашиши агросаноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий таркибини ҳосил қилади.

1-жадвал

**Сурхондарё вилоятида фаолият юритаётган агросаноат кластерлари ҳақида
маълумот (2022 йил)**

№	Ҳудуд номи	Жами кластерлар				
		сони	бириктирилган ер майдони, га	шундан		
				кластерда, га	фермер хўжалигида	
					сони	майдони, га
1	Ангор тумани	6	13346	9534	197	3812
2	Бойсун тумани	0	0	0	0	0
3	Денов тумани	5	18793	146	831	18647
4	Жарқўрғон тумани	3	16064	1930	421	14134
5	Музработ тумани	6	35029	14747	492	20282
6	Бандихон тумани	2	8380	505	394	7876
7	Олтинсой тумани	4	8749	591	374	8158
8	Сариосиё тумани	2	4782	336	286	4446
9	Узун тумани	4	7492	210	296	7281
10	Қизирик тумани	2	17874	17874	0	0
11	Қумқўрғон тумани	2	16035	1038	466	14997
12	Шеробод тумани	4	20540	1614	609	18926

13	Шўрчи тумани	3	12667	22	391	12645
14	Термиз тумани	4	6159	665	204	5494
	Жами	47	185910,19	49211,86	4961	136698,33

Манба: Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари

Агросаноат мажмуини харитага олишда унинг шаклланиши шароитлари ва омилларини (ижтимоий-иқтисодий, табиий, ердан фойдаланиш хусусиятлари) ифодаловчи хариталарни ҳамда турли ихтисослашув ва ҳудудий камровдаги (корхоналар типлари ва ихтисослашув районлари) озиқ-овқат АСМларини ифодаловчи хариталарни яратиш кўзда тутилади. Бундан ташқари, тугал манзарани ҳосил қилиш учун аграр циклларнинг ишлаб чиқариш алоқалари ва тармоқларни ҳудудий ташкил этишни тасвирлаш зарур.

АСМ харитада элементар мажмуалар (масалан, қайта ишловчи корхона ва унинг зоналари), ихтисослашган районлар (бир турдаги ихтисослашувга эга элементар мажмуаларнинг тўпланиши) ёки ихтисослашган зоналар (катта ҳудудда бир турдаги ихтисослашган районлар ва уларга хизмат кўрсатувчи саноат корхоналарининг тўпланиши) сифатида акс этирилиши мумкин. Ишлаб чиқариш мажмуининг ҳар бир типи тегишли тартибда транспортнинг ҳудудий ташкил этилишини талаб этади.

АСМ, унинг бўғинлари, амал қилиш шароитлари ва омилларининг комплекс хариталарини яратиш жараёни ўз хусусиятларига эга бўлиб, қишлоқ хўжалиги ва мажмуага кирадиган бошқа тармоқларнинг ўзига хослиги билан боғлиқ. Бироқ, АСМни харитага олиш бўйича бирор йўриқнома ва тузиш бўйича тахририй кўрсатма йўқ, умумқабул қилинган картографик шартли белгилар ишлаб чиқилмаган. Бундан ташқари, турли муаллифлар ушбу тармоқни ўрганишга турлича ёндашадилар. Мавзуни нисбатан тўлиқ ифодаладиган ва харитада бир неча йил ёки даврни динамикада тасвирлайдиган кўрсаткичларни танлаш муҳим ҳисобланади.

Сурхондарё вилояти агросаноат кластерлари хариталарини яратишда турли маълумотлар манбаларидан фойдаланилиши мумкин. Улар орасида умумгеографик ва мавзули хариталар билан бирга, дала тадқиқотлари материалларидан тортиб, статистик маълумотлар ва аэрокосмосуратларгача муҳим ўрин тутати. Мазкур тадқиқот ишини амалга ошириш давомида асосий картографик манбалар сифатида, энг аввало, турли хариталар ҳамда статистик маълумотлардан фойдаланилади.

Хариталар географик асосини ишлаб чиқишда мавжуд умумгеографик хариталарнинг географик мазмун элементлари яратилаётган харита асосига кўчирилади. Маълумки, мавзули хариталарда географик асос элементлари (чегаралар, гидрография объектлари, аҳоли пунктлари ва алоқа йўллари) орқа (иккинчи) планда ётса, биринчи (олд) планга махсус, яъни мавзули мазмун элементлари (бизнинг мисолимизда агросаноат кластерлари билан боғлиқ кўрсаткичлар) чиқарилади. Сурхондарё вилояти агросаноат кластерлари

хариталарини яратишда харитага олиш бирликлари сифатида маъмурий туманлар белгиланди (вилоят жами 14 та маъмурий тумандан иборат).

2-жадвал

**Сурхондарё вилояти агросаноат кластерлари хариталарининг мазмун
элементлари**



“Сурхондарё вилояти агросаноат кластерлари” харитаси	“Сурхондарё вилояти агросаноат кластерларига бириктирилган ер майдонлари” харитаси	“Сурхондарё вилояти агросаноатида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари” харитаси
I. Географик асос элементлари		
I. Гидрография объектлари • Дарёлар • Кўллар ва сув омборлари • Канал ва коллекторлар.		
II. Аҳоли пунктлари Сиёсий-маъмурий аҳамиятига кўра: • Сурхондарё вилояти маркази • Сурхондарё вилояти туманларининг марказлари • бошқа аҳоли пунктлари Аҳолининг жойлашиш типига кўра: • Шаҳарлар • Шаҳарчалар • Қишлоқлар.		
III. Чегаралар • Ўзбекистон Республикаси чегаралари • Ўзбекистон Республикаси вилоятлари чегаралари • Сурхондарё вилояти туманлари чегаралари.		
IV. Алоқа йўллари Темир йўллар Автомобиль йўллари: • халқаро аҳамиятга эга • республика аҳамиятига эга • бошқа йўллар • тупроқли қишлоқ йўллари.		
II. Мавзули мазмун элементлари		
Вилоят агросаноат кластерларининг ҳудудий тақсимланиши (бирлик)	Кластерларга бириктирилган жами ер майдонида туманларнинг улуши (жамига нисбатан %да)	Жами лойиҳалар сони (бирлик)
Туманлар бўйича кластерлар сони (бирлик)	Туманлар бўйича кластерлар ва фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони (гектар)	Туманлар бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларнинг тармоқлар таркиби (бирлик)
Туманлар бўйича агросаноат кластерларининг ихтисослашуви (бирлик)		Молиялаштириш манбалари (минг сўм/минг АҚШ долл.)
		Яратилган иш ўринлари (бирлик)
Қўшимча маълумот		
Сурхондарё вилояти агросаноат кластерларининг тармоқлар бўйича ихтисослашуви (бирлик)	Сурхондарё вилояти агросаноат кластерларига бириктирилган ер майдонларининг ҳудудий таркиби (га)	Сурхондарё вилояти агросаноатида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари қиймати (минг сўм)

Жадвал муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқот давомида 3 та номдаги харита учун мазмун элементлари ишлаб чиқилди (2-жадвал) ҳамда уларга мос картографик тасвирлаш усуллари ва график (тасвирлаш) воситалар танланди (3-жадвал).

3-жадвал

Сурхондарё вилояти агросаноат кластерлари хариталари мавзули мазмун элементларига тасвирлаш усуллари ва график воситаларни танлаш

№	Харита номи	Тасвирланадиган воқеа (ходиса, объект)	Ҳодисанинг асосий хусусиятлари				Картографик тасвирлаш усули	Тасвирлаш воситаси
			Жойлашиш характери	Сифат тавсифлари	Микдор тавсифлари	Динамика		
1	Сурхондарё вилояти агросаноат кластерлари	Вилоят агросаноат кластерларининг худудий тақсимланиши (бирлик)	Майдонларда жойлашган	йўқ	Вилоят агросаноат кластерларининг худудий тақсимланиши рангларда берилади.	Йил	Картограмма	Ранг 
		Туманлар бўйича сонига (бирлик)	Майдонларда жойлашган	йўқ	Диаграммалар ўлчамлари кластерлар сонига тўғри келади.	Йил	Картодиаграмма	Устунли диаграмма 3 
		Туманлар бўйича агросаноат кластерларининг ихтисослашуви (бирлик)	Майдонларда жойлашган	Ранглар ихтисослашган тармоқларга тўғри келади.	Кластерларнинг ихтисослашган тармоқлар бўйича сонига рақамлар билан берилади.	Йил		Доиравий диаграмма 
2	Сурхондарё вилояти агросаноат кластерларига бириктирилган ер майдонлари	Кластерларга бириктирилган жами ер майдонида туманларнинг улуши (жамига нисбатан %да)	Майдонларда жойлашган	йўқ	Кластерларга бириктирилган жами ер майдонида туманларнинг улуши рангларга тўғри келади.	Йил	Картограмма	Ранг 
		Туманлар бўйича кластерлар ва фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони (гектар)	Майдонларда жойлашган	Ранглар билан кластерлар ва фермер хўжаликлари ажратилган.	Диаграммалар ўлчамлари бириктирилган ер майдонларига тўғри келади (гектарда)	Йил	Картодиаграмма	Устунли диаграмма 9534 3812 

Жадвал муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Хулоса. Агросаноат кластерлари хариталаридан фойдаланиш йўналишлари жуда кўп бўлиб, улардан асосийлари сифатида ўқув, илмий-тадқиқот ҳамда ишлаб чиқариш-режалаштириш мақсадларини ажратиш кўрсатиш мумкин.

Хариталардан фойдаланиш шароитлари (стол устида, деворий ёки компьютер/планшет экранида), харита бўйича ечиладиган вазифалар (картометрик ишлар ёки ахборот олиш, жойни баҳолаш ва ҳ.к.) ҳамда хаританинг кимларга мўлжалланганлиги ундан фойдаланиш йўналишлари ва тартибларини белгилаб беради.

Умуман, ишлаб чиқилган хариталар мавзули хариталар гуруҳига мансуб бўлганлиги боис, улар асосан ахборот ташувчи вазифасини бажаради ва шу сабабдан, бу хариталар мазкур йўналишдаги мавзуга қизиқувчи тадқиқотчилар, олимлар, давлат бошқарув органлари ходимлари учун муҳим картографик қўлланма бўлиб ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ибраимова А.А. Географик хариталар компоновкасининг айрим хусусиятлари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. – 53 жилд. – Тошкент, 2018. – 272-275 бетлар.

2. Ибраимова А.А. Хариталарда географик номлар жойлаштирилишининг айрим хусусиятлари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. Махсус сон. – Тошкент, 2018. – 241-245 бетлар.

3. Ибраимова А.А. Ўзбекистонда моддий маданий мерос объектларининг тақсимланиши ва уларни харитага олишнинг айрим масалалари // ЎЗМУ хабарлари, 2022, 3/2 Табиий фанлар. - Тошкент – 2022. – 223-226 бетлар.

4. Ибраимова А.А. Гидрологик ва иқлим хариталарида қўлланиладиган картографик тасвирлаш усуллари // Иқлим ўзгариши шароитида гидрометеорологик тадқиқотлар: долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари мавзuida профессор Ф.Ҳикматовнинг 70 йиллик юбилейи доирасида ташкил этилган халқаро илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент, 3-4 июнь 2022. – 310-314 бетлар.

5. Ибраимова А.А. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалари хариталари серияси картографик асосини ишлаб чиқиш масалалари // Journal of Geography and Natural Resources SJIF 2022: 6. 037. Pages: 86-93. DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.7482465>

6. Субботина Т.В., Лядова А.А. Прикладное картографирование: социально-экономические карты. Учебное пособие. – Пермь, 2021. – с. 135.

7. <https://daryo.uz/k/2018/11/14/klasterlar-agrar-sohaning-lokomotivi/>

8. <https://www.agro.uz/agroklasterlar-va-kooperatsiyalar/#1627303540327-5870b9c2-be30>